SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 30-YANVAR ■ PAYSHANBA ■ 12 (27.032) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Мустақиллигимизнинг қомусий асарига бағишланди

«Мулоқот» журнали таҳририятида муҳтарам Президентимиз асарлари тўпламининг ўнинчи жилди чиқиши муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда республикамизнинг атоқли олимлари, иқтисодчилар, тарихчи ва файласуфлар, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар иштирок этдилар. Президентимизнинг «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган ушбу ўнинчи жилд асарига киритилган маърузалари ва уларда кўрсатилган йўл-йўриқлар хусусида кенг фикр алмашинди.

Давра суҳбатини «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири Барот Бойқобилов бошқариб борди.

— Президентимизнинг мазкур китоби республикада кенг миқёсда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий ислоҳотлар назарияси ва амалиётига бағишланган бўлиб, асарда давримизнинг энг долзарб масалалари хусусида кенг мушоҳада юритилган, таҳлилий хулосалар чиқарилган, — деди у. — Журналимизда бундан роппа-роса ўн йил олдин Юртбошимизнинг дастлабки йирик асарларидан бўлмиш «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ҳам кенг тарғиб ва таҳлил қилинганди. Ушбу анъанани яна давом эттириб бугун Президентимизнинг асарлари тўпламининг ўнинчи жилди ҳақида сўз юритсак.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутати, академик:

— «Кучли давлатдан кучли жамият сари» интилар эканмиз, ижтимоий ҳаётимизнинг долзарб муаммоларини ҳаммадан олдин ҳис этадиган, кенг ва чуқур таҳлил қиладиган Президентимиз асарларининг ўнинчи жилди ўзига хос қимматга эга. Ундаги ҳар бир нутқ ва чиқишларда ҳаётий муаммолар хоҳ у иқтисодий ёки ижтимоий-сиёсий бўлсин ўзининг мантиқий ечимига эга. Мустақиллигимиз ва тараққиётимизнинг устувор йўналишлари бу борада бундан кейин қандай ишларни амалга ошириш лозимлиги ушбу жилдда жамланган маърузаларда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Акмал Саидов, сиёсатшунослик фанлари доктори Нарзулла Жўраев, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад, тарих фанлари доктори Дилором Алимова, профессор Азиз Тўраев, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамовлар иштирок этишди ва Президентимиз асари юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Давра суҳбатида Юртбошимизнинг асарлари «Мулоқот» ижтимоий-сиёсий журнали ижодий жамоаси учун доимо дастуриламал бўлиб келаётгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажаги таъкидланди.

Нормўмин ОЧИЛОВ

Самарали мулоқотлар

Мадрид, 28 январь. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:

Мадрид марказидаги «Леалтад» майдонида мамлакат озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб ёдгорлик мажмуи бунёд этилган. Испанияга давлат ташрифининг иккинчи кунини Президент Ислом Каримов ана шу ёдгорлик пойига гул қўйишдан бошлади.

Испания Сенатида ушбу мамлакат парламенти етакчи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидламоқ жоизки, қадимий Испанияда олий мартабали меҳмонни кутиб олишнинг ўзига хос анъаналари мавжуд. Шунга биноан, аввал икки давлат мадҳиялари янгради. Сўнг Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессининг медали тақдим этилди. Ислом Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, «Олтин китоб»га дастхат битди. Испан қонунчилари мамлакатимиз раҳбарига мамлакатнинг 1978 йили қабул қилинган конституциясининг нодир нусхасини тақдим этди.

Сенат ва Депутатлар конгрессининг раҳбарлари — Хуан Хосе Лукас Хименес ҳамда Руди Убеда Луиза Фернанда, доимий қўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида сўзлади. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов маҳаллий аньанага биноан суворийлар кузатувида Мадрид мэриясига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий «Олтин калити» тақдим этилди.

Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шаҳарлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидланди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Монклоа» саройида Президент Ислом Каримов ҳамда Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами замон талаблари ва икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги қайд этилиб, келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодиёт вазирликлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Испания сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирида туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташкилот Бош котиби Франческо Франжиали билан учрашуви чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ЖСТ билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қайси давлатга ташриф буюрмасин, албатта, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади. Мадрид сафари ҳам бундан мустасно бўлмади. Ислом Каримовнинг Испания Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида сўз борди.

Ташриф ниҳоясига етди

Мадрид, 29 январь. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мадридга давлат ташрифининг учинчи куни Испаниянинг энг йирик банкларидан бири «Банко Билбао Веская Аргентария» («ББВА») раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда асосий эътибор молиявий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Президентимиз Ўзбекистон банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўзлаб, икки мамлакат ишбилармонларининг бевосита алоқаларини ривожлантириш ва Испания сармоясининг юртимизга киришининг кўпайишида «ББВА» муҳим ўрин тутиши мумкинлигини таъкидлади. Суҳбат чоғида Ўзбекистон молия муассасаларининг «ББВА» билан ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Испания Европанинг энг қадимий давлатларидан саналади. Нодир тарихий ва маданий ёдгорликларга бой «Эл Прадо» музейи эса испанларнинг фахри. Бу ерда мамлакат ва Европа ўтмишига оид ноёб тарихий ашёлар, тасвирий санъат ва халқ ҳунармандлиги усталарининг нодир асарлари сақланади. Ислом Каримов ушбу музейни бориб кўрди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

«Эл Пардо» қироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Президентимизни Испания Қироли Хуан Карлос Биринчи кузатиб қолди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Испанияга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА)

✧✧✧

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Муҳаббат манзили



Мамлакатимиз сарҳадлари бўйлаб кезсангиз турли номлар билан аталган хиёбонлар бор. Севги асирига айланганлар, муҳаббатдан туғилганлар, ишқ ўтида ёнганлар орзусидаги манзил эса қадим Қашқадарёнинг кўҳна Ғузоридаги «Тоҳир ва Зуҳра» — севишганлар хиёбонидир. Қовчин қишлоғидаги кичик бир тепаликни вафо, садоқат рамзлари бўлган Тоҳир ва Зуҳранинг қабрлари дейишади. Бу ерда ҳар баҳор гуллар унади. Майсалар ёнади. Қизил ва оқ рангли гуллар бир-бирларига чирмашиб ўсадилар. Севгининг қисмати ҳақида қўшиқ айтадилар.

*Эзгу мақсадни амалга ошириш учун яхши кунлар келишини кутиш шарт эмас. Бир пайтлар тиканлар жангалзорига айланган, қаровсиз ётган бу жой ҳақида ҳатто гапиришдан ҳам қўрқардилар. Обод этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Асрлар сукунати узра ўктам, жасоратли бир овоз янгради. **«Бу жойни обод қилиш керак! Ахир бу маскан соф севги, муҳаббат ва садоқат тимсоли сифатида ғоят қиммати-ку!».** Юртбошимизнинг 1988 йилда айтган бу сўзлари муҳаббатга қўйилган ҳайкалдир. Шундан сўнг ошиқ қалблар обидаси тикланди. Унинг атрофи гулларга бурканди. Гумбазли мақбара, Тоҳир оқизилган рамзий дарё, уни банди этган сандиқ, чархпалак қурилди. Деворларга «Тоҳир ва Зуҳра» достони асосида суратлар чизилди.*

Бу муқаддас манзил ёш келин-куёвларнинг мангу бирга бўлиш учун аҳдлашадиган гўшага, зиёратгоҳга айланди. Гўзал обида обод муҳаббат манзилига айланиб қолди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов айтганидек:

Шундоқ ҳикмат билан гўзалдир ҳаёт:
Ҳар кимга нияти бўлгайдир қанот.
Меҳру муҳаббатга лойиқдир асли —
Меҳру муҳаббатни қадрлаган зот!

Фарруҳ ҲАМРОЕВ



БУЮКЛИК

Тавоб қил, майлига, яхшилар изин,
Лекин, ет қадрига буюклик сўзин.
Кимнидир элу юрт бошга кўтаргай,
Буюклар кўтаргай эл-юртнинг ўзин!

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил 29 январь

Диққат!

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари»

Ижтимоий таъминот ва меҳнат масалалари бўйича саволларингиз борми?

Агар сиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, таъминоти, меҳнат шароити, берилган ҳуқуқ ва имтиёзлари борасида ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат, шунингдек, пенсия, нафақа, стипендия, моддий ёрдам, иш стажи, хорижга бориб ишлаш тартиблари ва шу сингари масалаларда саволларингиз, таклиф-мулоҳазангиз бўлса навбатдаги ***СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАР****имизга марҳамат!*

Сизни қизиқтирган барча саволларга Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот ва меҳнат вазири ***Оқилжон ОБИДОВ*** *жавоб беради.*

Саволларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали беришингиз мумкин. Манзилимиз: 700000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, ***«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»*** *газетаси таҳририяти. Телефонлар: 133-20-36, 133-12-56, факс: 133-47-80.*

Саволларингиз 10 февралга қадар қабул қилинади.

Бизнес Банк

энг яхши анъаналарда

BUSINESS BANK

2003 ЙИЛ 24 ЯНВАРЬ.
БУ КУННИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ. ШУ КУНИ СОДИР БЎЛГАН ВОҚЕА МИЛЛАТ УЧУН ЖУДА КАТТА КУЧ, ҚУВВАТ, ҒУРУР ВА ФАХР-ИФТИХОРДИР. БУНИ ФАҚАТ ҚАЛБ БИЛАН КЎРМОҚ, АНГЛАМОҚ КЕРАК.

ШУ СОНГА ХУШХАБАР

Осиё курашни тўла тан олди

ёки Олимпия ўйинлари сари дастлабки довондан ўтилди



Ҳаётда шундай воқеа-ҳодисалар бўладики, улардан бир ёки бир неча киши эмас, балки бутун мамлакат, миллат манфаатли бўлади, қувонади, фахрланади. Бундай воқеалар халқ тарихида ўчмас из қолдиради.

2003 йилнинг 24 январида биз учун, халқимиз, Ўзбекистонимиз учун ана шундай воқеа содир бўлди. Осиё Олимпия Кенгашининг Қувайтда ўтган XXII Бош Ассамблеясида спортнинг КУРАШ тури, ўзбек кураши, бизнинг кураш Осиё ўйинлари дастурига расман киритиладиган бўлди. Осиё Олимпия Кенгаши Низомининг 59-бандига «КУРАШ» сўзи ҳам ёзилди.

Бу нима дегани?

Осиёнинг барча мамлакатларида кураш спортнинг расмий тури сифатида тан олинди. Энди Осиё ўйинларида кураш бўйича ҳам медаллар учун беллашувлар ўтказилади. Демак, бундан буён Осиёдаги ҳар бир мамлакат курашни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади.

Маълумки, ўтган йилнинг октябрь ойида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтган Осиё ўйинлари пайтида Осиё Олимпия Кенгаши Президенти Шайх Аҳмад ва вице-президенти F. Раҳимовларнинг қўллаб-қувватлаши билан курашнинг расмий тақдимот маросими ўтказилганди. Ана шу тадбир Курашнинг Осиё Олимпия Кенгаши томонидан расман тан олинишида муҳим аҳамият касб этди.

Энди ўйлаб кўрайлик, дунёда қанча каттаю-кичик мамлакат, қанча миллат бор. Улардан саноқлиларининг спорт тури Олимпия жамоатчилиги томонидан тан олинган. Кураш 1998 йилда халқаро майдонга чиққан эди. Атиги тўрт йилда қитъа Олимпия қўмитаси томонидан тан олинди. Япониядек мамлакат сумо деган спорт турини Осиё Олимпия Кенгашига тан олдириш учун 1983 йилдан буён курашиб келди. (Кураш билан бир кунда сумо ҳам ООК томонидан тан олинди).

Ўзбек кураши қисқа муддатда нега шунчалик катта ғалабага эришди?

— Икки асосий сабаби бор, — дейди халқаро кураш федерацияси Президенти Комилжон Юсупов. — Биринчидан, курашимизда миллий руҳ бор, халқимизнинг мардлик, бағрикенглик, ҳалоллик каби табиати мужассам. Ана шу умуминсоний фазилатлар туфайли барча халқларда қизиқиш, ҳурмат уйғотди. Иккинчидан, шак-шубҳасиз Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлаганлари ва Халқаро кураш федерациясига фахрий Президент бўлганликлари. Бу ҳаммада кураш келажагига ишончни оширди.

Шундай қилиб 2003 йил биз учун қувончли, тарихий воқеа билан бошланди. Курашимизни Осиё ўйинларида бутун қитъа кўрадиган бўлди. «Кураш», «Ёнбош», «Ҳалол» сўзлари Осиё бўйлаб баралла жаранглайдиган бўлди.

Биз бу кунни орзиқиб кутгандик. Бугун орзу-ниятимиз ушалган кун. Бугун ҳаммамиз қувонадиган кун. Бугун кўчага чиқиб, байрам қилсак арзийди, кўй сўйиб, тўй қилсак арзийди. Бугун бир-биримизни қучиб, табриклайдиган кун.

● ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

Бош йўналиш — фуқаролар ҳимояси

Кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир. Зотан, ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қила оладиган кишигина ҳуқуқий-демократик жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўла олади. Айни шу жиҳат мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнининг фаоллашувини тақозо этдики, буни биз суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, бу тизим фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирларда кузатишимиз мумкин. Хусусан, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар суд тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги дадил қадамлар бўлди.

Олий Мажлиснинг II чақириқ 4-сессиясида «Судлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани суд мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини яратишга асос бўлдики, эндиликда судьялик лавозимига номзодлар тавсия этиш, ваколатларни тўхтатиш ёки муддатидан олдин тугатиш ваколати Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси зиммасига юклатилди. Олий малака комиссияси туман (шаҳар), туманлараро судларнинг судьяларидан тортиб Олий суд, Олий хўжалик судлари ҳамда ҳарбий суд судьяларига номзодлар танлаш ва тавсия этиш ҳуқуқига эгадир.

Бу каби тадбирлардан асосий мақсад судни мустақил давлат институтига айлантириш ва одамларнинг судга ишончини кучайтиришдир.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган тадбирлар сирасига кейинги йилларда қабул қилинган судлар тўғрисида, прокуратура тўғрисида, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан қатор кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинишини киритиш мумкин.

Президентимиз Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилиб бераркан, еттита устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратди: мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳаётга жорий қилиш, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини кескин кучайтириш сингари устувор йўналишлар қаторида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш.

Бу соҳадаги ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим масала — суд-ҳуқуқ идоралари мустақиллигига амалда эришишдир. **«Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»,** деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя этишнинг кафолатлари ўз ифодасини топган. Фуқаролик жамиятини қуриш айни шу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни шарт қилиб қўяди. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида Конституцияда белгилаб қўйилган тамойиллар амалда ўзининг тўлиқ ижросини топмаётганини уқтириб, бунинг муҳим сабабларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётганини таъкидлади. Бу ўз навбатида юридик-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштиришни тақозо этадики, бу борада маърузада айтилганидек, демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш зарур.

Юртбошимиз ўз маърузасида суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласига алоҳида эътиборни қаратди. Модомики, қонунийлик ҳуқуқий маърифат билан узвий боғлиқ экан, бу жабҳада оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг қўламда фойдаланиш лозим бўлади. Ҳуқуқий билими, тушунчаси, онг ва маданияти юксалган фуқаролик жамиятидагина қонунийлик таъминланиши мумкин. Суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб борилиши зарур.

Бироқ айни пайтда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлардан кўпчилик тўлиқ ва етарли маълумотга эга, дея олмаймиз. Оммавий ахборот воситаларида бу тадбирлар қандай ўзгариш ва янгиликлар олиб кираётгани талаб даражасида тарғиб-ташвиқ этилмаётир. Ҳаётдан олинган жонли мисоллар воситасида, оммабоп усулда суд соҳасидаги ислоҳотлар тушунтириб борилса аҳолининг ҳуқуқий маданияти шакллашишига сезиларли таъсир кўрсатилар эди.

Жамиятимизни янада ривожлантириш сари ташланаётган қадамлар фуқароларимизнинг ҳаётга бўлган муносабатларида, улар тафаккурида кечаётган ўзгаришларда яққол кўринаётир. Қонунларимизга бўлган ишончнинг ортиб бораётгани фуқаролик ва ҳуқуқий демократик жамиятни қуришда асосий омилдир. Шу маънода Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини давлатимиз сиёсатининг изчил мантиқий давоми, деб тушунишимиз лозим. Бу бизнинг олдимизга қўйилган энг юксак мақсадларни амалга оширишдаги аниқ ва муҳим вазифадир.

Ўткир ХОНКЕЛДИЕВ,
Қашқадараё вилояти Фуқаролик ишлари бўйича судининг раиси

● ҚИШЛОВ — СИНОВ

Чорвачилик — Навоий вилояти халқ хўжалигида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозир чорвадорлар учун синов фасли. Хўш, улар бу синовдан қандай ўтишаяпти? Қишловнинг ўзига хос қийинчиликлари ва муаммоларини қай тарзда бартараф этмоқдалар? Ана шундай мулоҳазалар билан вилоят ҳокими Баҳриддин РЎЗИЕВ чўпон-чўлиқлар ҳузурига йўл олди.

«Кармана» яйловларида

Вилоятнинг Навоий туманидаги «Кармана» қоракўлчилик ширкат хўжалигидамиз.

— Омон ота Ҳалимов саксонга бориб қолди, — гап бошлади ширкат хўжалиги раиси Райим Расулов, — тўқсонинчи йиллар ўрталарида чўпонлик таёғини тўнғич ўғли Нормуродга қолдирди. Лекин ҳар қиш бошланиши билан кўч-кўрони билан «Тутак»да ётиб олади. («Тутак» —яйлов номи) Яйлов музлаб, қўйлар хас-хашак тополмай қолган кезларда молларга хашак ташлайди, қудуқдан сув тортади, қўйларни қўрада қўзғаб туради. Отадаги ғайрат-шижоатни кўрган ўғил ҳам, келин ҳам, невара-ю эвараям қўй-қўзининг ортида. Сулоланинг ошиғи олчи...

Раиснинг сўнгги сўзи ҳокимнинг диққатини тортди.

— Ошиғи олчи?! — сўради у.

— Ҳа, ўтган йили қишловни иккала отар ҳам «вўў» ўтказди, — деди раис ҳаяжон билан бош бармоғини тик қилиб, — ҳар юз совлиқдан 220 тадан қўзи олишди. Эрта туғилган бўлимли-бўлимли қўзиларнинг 80 фоизини ўстиришга қолдириб, мукофот (натура) тарзида ўзига 46 тадан қўзи олди. Натижада икки отардан яна бир отар пайдо бўлди... Отанинг 11 невараси бор. Уларнинг ҳам 6 нафари бувасининг фотиҳасини олган...

Раис билан ҳоким суҳбати якун топмаёқ машинамиз «Тутак»ка етди. Омон ота телпаги қулоғини тушириб, чопонининг этагини белига тугиб, қудуқдан сув тортарди. Нормурод, Боймурод, Турсунмурод ёнида — новларга батартиб сув қуйиб турибдилар.

— Ҳоким болам, — саломаликдан сўнг гап бошлади ота. — Тунов куни раис «ҳоким бува сизга ўзи шахсан келади», деганда ишонмагандим. Қадамингга ҳасанот... раҳмат... Сен-ки, чўпон-чўлиқни ёдлабсан, сени тангри ёрлақасин!

Ўша куни «Тутак»даги чўпон уйида қоракўлчиликнинг бугуни, эртаси ҳақидаги суҳбат аллама-ҳалгача давом этди.

— Баҳриддин, болам, — яна гап бошлади ота, — мана, эллик йил қўй боқдим. Мақтанишмас-ку, «Омонтой чўпон» деган мактаб яратдим. Бу — ўзимнинг гапиммас, халқ айтаяпти... Лекин мени қийнаётган муаммолар ҳам бор. У ҳам бўлса ёнилғи, ичимлик сув масаласи. Ҳозир хўжалигимизда 14 минг 600 та қўй бўлса, шунинг 10 минггига қўлда сув ташиймиз. Шу масала ҳал этилса нафақат Нормурод, Баҳодир ўғилларим бош чўпон бўлган отарлар, балки «Маликчўл», «Кармана» чўлиқлари ҳам ҳар юз совлиқдан 125-130 тага етказиб қўзи олишига мен кафил. Шунда анқонинг уруғидай бўлиб кетаётган «Антик», «Кўк», «Олмагул», «Қамбар», «Қора сур», «Пушти» терилар ҳам кўпаяди, болам.

Ҳоким ён дафтарига кекса чўпон фикрларини ёзиб ола туриб сўраб қолди.

— Омон ака, пенсияга чиқиб обсиз, энди тенгқурларингиз қатори қишлоққа қайтиб, маҳаллада чойхўрлик қилиб ўтиришни қумсамаяпсизми?

— Вой, боламей, — деди ота вазмин туриб. От изини той босади. Лекин, бу тойлар — ёшлар ҳали уста қўйчивон бўлгунча не-не қиш бор...

«Омонтой чўпон» мактабига сафаримиз қариб, машинамиз даштнинг қорли, илонизи йўлларидан чингизтовлик чўлиқлар манзилига боряпмиз. Хўжалик раиси Райим Расулов ҳоким саволларига жавоб ўрнида ҳамон сўзлаб бораяпти:

— Бултурги умумий даромадимиз 60 миллион сўмдан ортди. Соф фойда 15 миллион сўм. Рентабеллик 28 фоиз ўсди... Умумий даромадни 100 миллион сўм қилишимиз мумкин эди, — давом этди у. Лекин ҳозир — туёқ сони камайган, қоракўл терига танти харидор топилмаётган пайтда мол бош сонини тиклаб, отарга отар қўшган одамгина ютади... Пул келади-кетади. Чорва эса, бу — бамисли кўчмас мулк. У йил сайин ортаверади, кўпаяверади. Демак, мулкка мулк қўшилади. Беш йил олдин молларимиз 12 минг бош бўлган бўлса, ҳозир 15 мингга етди. Насиб бўлса бу йилги — қўй йилида 18 мингга етказамиз. Совлиқларнинг ўзини 12 минг қиламиз, деб турибмиз.

— Чорвангиз ривожини тушундик... деҳқончилик-чи? — сўради ҳоким.

— Сувли ерларни 120 гектарга етказиш ниятимиз бор. Шунда йилига 150 тоннагача буғдой, 220 тонна атрофида сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирса бўлади. Яқинда яна бир тармоқ — куркачилик фермаси ҳам ташкил этдик. Навбат — ўрдакчиликка...

— Одамларнинг ижтимоий ҳимояси қандай? — яна савол ташлади ҳоким.

— Бу масаладаям ҳар ҳолда кўрпамизга қараб оёқ узатаяпмиз... Ёмонмас, масалан, бу йил мавжуд 105 ишчи-хизматчи, чўпон-чўлиққа 26 тонна буғдой, 392 та қўзи — натура тарзида мукофот бердик. Ёрдамчи хўжалик — деҳқончиликдан 20 тонна пиёз, 20 тонна қовун-тарвуз тарқатдик...

Чингизтовда 1-ферма мудири Омон Абдуллаев билан учрашдик. Мудир бизни ферма маркази, қишлоқ уй-жойлари, омухта ем цехи, дағал хашак майдалаш пунктлари билан обдон таништирди. Эргаш Юзбоев, Ибод Холов, Бозор Ҳусанов бош чўпон бўлган отарларга бошлаб борди. Бозор Ҳусанов отаридаги 850 та майда молнинг ҳаммаси — айниқса, 610 бош совлиқлар қаровидан тўла қаноат ҳосил қилдик.

— Нима муаммонгиз бор? — сўрадик бош чўпондан.

— Техника, ёнилғи, кўчма движок, сув ташиш қурилмалари етишмайди, — деди.

Бу гапни ҳоким ҳам эшитди. Демак, муаммо ҳал этилади.

«Кармана» яйловлари ўтовларида қор-қировли кунларда ҳам ҳаёт қайнамоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан уюштирилган махсус кўмак бригадаси (мутахассислар, ҳашарчилар, омухта ем ортган машиналар) энг олис отарларда ҳам бўлиб, қишловни соз, беталафот ўтказиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Тола — хорижга

— Пайариқ туманидаги «Челак» пахта тозалаш заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўтган йили 30 минг 592 тонна хомашё қабул қилиб олди, — дейди жамоа раҳбари Абдуҳамид Умаров. — Шундан 15 минг 230 тоннаси биринчи навли пахта. Ҳозиргача унинг 12 минг 987 тоннаси қайта ишланиб, сифатли, жаҳон бозорига мос тола олиниб, Италия, Франция, Германия, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларга сотилмоқда.

Ҳозир корхонада 400 нафардан зиёд ишчи ва ходимлар уч сменада меҳнат қилмоқда. Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда жамоа аъзолари шартномасини ишлаб чиққанмиз. Унда ишга қабул қилиш, меҳнат интизоми, ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, ишчи-хизматчилар соғлиғини яхшилаш ва бошқа имтиёз ҳамда ҳақ-ҳуқуқлар белгилаб қўйилган.

Ҳадемай баҳор келади. Яна экин-тикин бошланади. Заводимизнинг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида жойлашган пахта қабул қилиш манзилгоҳида чигит тайёрланмоқда. Дастлабки 1 минг 50 тонна уруғлик чигит навларга ажратилиб, экишга тайёрлаб қўйилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Суратларда:

1.(Юқорида) пункт мудири Ёқуб Шодмонов. 2. Автокранчи Ҳусан Ҳайдаров. 3. Ишчи Аслиддин Эсиргапов, бош муҳандис Фозил Нарзуллаев, лаборатория мудири Раиса Дарасидзе пахта сифатини текширишмоқда.

Бурчга хиёнат

ЁКИ МАМЛАКАТИМИЗГА НОҚОНУНИЙ ТОВАРЛАР ОЛИБ КИРАЁТГАН СОХТА ТАДБИРКОРЛАРГА ҚЎМАКЛАШГАН АЙРИМ СУД, МИЛИЦИЯ ВА СОЛИҚ ХОДИМЛАРИ КИРДИКОРЛАРИ ҲАҚИДА

Тунги соат 03. Қиш изғирини авжига чиққан пайт. Риштон туман прокурори Ж.Исоқов раҳбарлигидаги тезкор тергов гуруҳи аъзолари Риштон — Қўқон йўлида ҳаракатланаётган иккита «КамАЗ» юк машинасини тўхтатишди. Иккита «Жигули» енгил автомашинаси «КамАЗ»ларни кузатиб келаётган эди. Шубҳали машиналар текширилганда, уларда туман нархлаш комиссиясининг дастлабки хулосасига кўра, умумий қиммати 100 миллион сўмлик эллик турдаги турли товарлар борлиги маълум бўлди. Уларнинг барчаси Ўзбекистонга қўшни давлатдан ноқонуний равишда олиб кирилаётган эди. Энг ёмони, ана шу ноқонуний товарлар юкланган машиналарга йўл кўрсатиб келганлар... қўшни давлат ички ишлар идоралари ходимлари бўлиб чиқди.

Кейинги пайтларда яширин йўллар билан мамлакатимизга сифатсиз маҳсулотлар олиб кириб одамларнинг ҳам ҳамёни, ҳам соғлиғига путур етказишга ва юртимиз иқтисодиётига зарба бераётган кимсаларга қарши қатъий чоралар кўрилмоқда. Чегараларимизда турган юзлаб фидокор, ўз ишига, юртига садоқатли божхона, ички ишлар ходимлари, бозорларимизда тартиб-интизомни таъминлаётган солиқ идораларининг зийрак вакиллари мавжуд қонун-қоидаларни бузувчилар пайини қирқишяпти. Вилоят прокуратураси идоралари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда назорат тадбирлари олиб бормоқда. Шу йилнинг дастлабки ўн беш куни мобайнида вилоятда 2512 та қонун бузилиш ҳодисалари аниқланган. 52 та жиноят иши қўзғатилган. Ҳуқуқбузарлардан 773 миллион 198 минг сўмлик товар-моддий бойликлари олинган.

Бироқ, иқтисодий қонун-қоидаларимизни менсимаётган ва мўмай даромад орттирмоқчи бўлган кимсаларнинг танобини тортишга даъват этилган ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўзидан ҳам ҳуқуқбузарларга «ҳомийлик» қилаётган айрим нопок ходимлар чиқиб қолаётгани ғоят афсусланарлидир. Тўғри, улар жуда оз. Қонунларимиз муҳофазасида турган юзлаб ҳалол, ўз касбини улуғлайдиган ходимларнинг фидокорона меҳнатига соя сола олмайдилар. Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, ана шу «айрим»ларнинг хурмача қилиғи тартиббузарларни илҳомлантириши мумкин-да.

Бувайда туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган «Абдурайим ота» кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо фирмаси дўконида ноқонуний олиб келинган 457700 сўмлик спиртли ичимликлар борлиги аниқланди. Бу маҳсулотнинг 183400 сўмлиги истеъмолга яроқли бўлгани боис, давлат фойдасига мусодара қилинди. Қолган 274300 сўмлиги истеъмолга мутлақо яроқсиз чиқди ва Бувайда туман судининг ҳукмига мувофиқ йўқ қилиб ташланадиган бўлди.

Аммо, Фарғона вилоят суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаментининг Бувайда туман бўлинмаси суд назоратчиси Ҳ.Ҳакимов суд ҳукмини бажаришга негадир шошмади. Аксинча, яроқсиз маҳсулот эгалари билан тил бириктириб, 2002 йил 17 декабрь куни ашёвий далиллар туман суди биносига олиб келинди, холислар иштирокида шиша идишлар синдирилиб, ичидаги заҳри қотил тўкиб ташланди, деган мазмунда қалбаки далолатнома тузиб, спиртли ичимликларни эгаларига қайтариб бериб юборди! Агар олди олинмаганда, юзлаб шишалардаги яроқсиз спиртли ичимлик неча-неча кишилар бошига кулфат солиши мумкин эди. Ҳозирда прокуратура Ҳ.Ҳакимовнинг бу «ҳожатбаролиги» боисини аниқлаш мақсадида тергов ишларини олиб бормоқда.

Марғилон шаҳри биқинида жойлашган вилоятдаги энг катта бозорлардан бири — Қумтепада одам қайнайди. Расталар маҳсулотга ўта ноқонуний равишда олиб кирилган маҳсулотга баённома тузишгани аниқ. Мол эгаси Б.Аҳмедов қаттиқ нолаю фиғон қилиб юборган шекилли, солиқчиларнинг кўнгли бузилиб, маҳсулотни ҳам, унинг 34200 сўм давлат фойдасига мусодара қилиниши лозим бўлган пулини ҳам ўзига қайтариб беришган. Балки елкасига қоқиб: «дадил бўл, ога!» дея далда ҳам беришгандир. Аммо шу нарса аёнки, мушук ҳам офтобга текинга чиқмайди...

Уч оғайни солиқчиларимиз хусусий тадбиркор О.Охунбоев дўконидаги чет элда ишлаб чиқарилган 29 та чарм куртка божхона кўригидан ўтмаганлигини аниқлаб, баённома тузишган. Курткаларнинг умумий нархи 3 миллион сўм бўлган. Бу ҳолатда ноқонуний маҳсулот ва О.Охунбоевдаги савдодан тушган 209000 сўм пул давлат фойдасига мусодара этилиши лозим эди. Аммо солиқчиларнинг яна «кўнгли бўшлиги» тутиб кетдию, баённомани қайта тузишди, унда фақат бешта ноқонуний сотилаётган курткани кўрсатиб, қолганларини шу куниёқ тадбиркорга қайтариб беришди. Тадбиркор ҳамёнидан бир муддат солиқчилар қўлига ўтган 209000 сўм ҳам яна қайтиб жойига тушган. Айни кунларда юқоридаги солиқчилар тегишли идораларда ўз «кўнгли бўшликлари» сабабини тушунтиришяпти.

Давлат эгалигига олинган товар-моддий бойликларни баҳолаш ҳамда сотилишини таъминлаш бўйича шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари қошида тузилган махсус комиссиялар ишидаги сусткашлик ҳам сохта тадбиркорларга анча-мунча қўл келаётгани аниқланди. Масалан, Фарғона шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия иш юритувида 10 январь куни 10 миллион 237 минг сўмлик мусодара этилган товар-моддий бойликларни баҳолашга доир ижро ҳужжатлари мавжуд бўлган. Бироқ, уларнинг катта қисми ўз вақтида кўриб чиқилмаган. Ҳуқуқбузарлардан олинган товарлар 2-3 ойлаб кўрилмай ётган. Фақат шаҳар прокуратураси аралашувидан сўнггина улар баҳоланиб, сотувга чиқарилди...

Қўқон шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси айби билан мусодара қилинган 369065 сўмлик товар-моддий бойликлари нарх комиссияси томонидан баҳоланмасдан ва сотувга чиқарилмасдан сақлаб турилган. Бошқа шаҳар ва туманларда ҳам, афсуски, шундай нохуш кўринишларни учратиш мумкин.

Юртимизга сифатсиз, сертификати йўқ, қайси корхонада ишлаб чиқарилганлиги номаълум товарлар олиб келинишига қарши қатъий чора-тадбирлар кўрилаётган бир пайтда айрим масъул шахсларнинг хоинлиги, лоқайдлиги ва ўз вазифасига беғарволиги кечирилмас ҳолатдир. Бу биринчи навбатда, ўз касбига, халққа хиёнатдир. Хиёнат эса ҳеч қачон кечирилмаган.

Қаҳрамон СОТИБОЛДИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори

● ИҚТИСОД ВА МАЪРИФАТ

Энг устувор соҳа

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ДАВЛАТИМИЗ БЮДЖЕТИДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Чунки, ушбу соҳаларни ривожлантирмай туриб, олдимизга қўйган улкан мақсадларга эришишни тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

Таълим тизимини ислоҳ этишда – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ишлаб чиқилиши асосий омил бўлди. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида: ***«... халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда. Лекин истиқболимиз, иқболимиз кўзи билан қараганда – ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий нуқтаи назардан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши муқаррар»,*** *– деган эди. Бу гап замирида жуда чуқур маъно ва ҳақиқат мужассам.*

Дарвоқе, таълим тизими – мамлакатимиз тараққиётида энг устувор соҳа. Шунинг учун ҳам соҳани молиялаштиришга йил сайин катта маблағ ажратилмоқда. Масалан, республикамизда тизимга давлат харажатларининг улуши бошқа МДҲ мамлакатлари билан таққосланганда анча юқори ва барқарордир. Сўнги беш йилда халқ таълимига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7-8 фоиз кўп харажат қилинган бўлиб, у давлат бюджети умумий харажатларининг 25-29 фоизини ташкил этади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак, бизда маориф тизими учун ажратилаётган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотлардаги улуши ривожланган айрим мамлакатларнинг ушбу кўрсаткичига яқиндир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тизими тўғрисида»ги Қонуни (10-модда)да: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим сингари шакллари белгиланган бўлиб, улар молиялаштирилиши жиҳатдан иккига бўлинган: халқ таълими – мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ва халқ таълими тизими инфраструктураси; Кадрлар тайёрлаш тизими – ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими инфраструктураси.

Бюджет тизимида халқ таълими харажатларининг йил сайин ўсиб бориши – ҳукуматимизнинг соҳага ўта жиддий эътибор бераётганини кўрсатади. Масалан, 2003 йил давлат бюджетида маориф соҳасининг жорий харажатларига 645,9 миллиард сўм ажратилди. Бунинг 7 миллиард сўми умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлашга, 13,8 миллиард сўми ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мансуб бўлган мактаб ўқувчиларини қишки кийим-бош ва пойабзал билан ҳамда 1-синф ўқувчиларини мактаб қуроллари билан таъминлашга сарфланади. Шунингдек, мактабларни таъмирлашга 6 миллиард сўм, ўқув-мебели ҳамда компьютер техникалари сотиб олишга 7 миллиард, касб-ҳунар коллежларини асбоб-ускуна ва дарсликлар билан таъминлашга 13,5 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган. Бундан ташқари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун замонавий бинолар қуришга ва жиҳозлашга 168,8 миллиард сўм, умумтаълим мактаблари қурилишига 9 миллиард сўм миқдорида капитал маблағларни йўналтириш мўлжалланган. Бунга яна қўшимча – соҳада 92,3 миллион АҚШ долларига тенг хорижий имтиёзли кредитлар ўзлаштирилиши ҳам кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, таълим тизими борасида ҳукуматимиз бетиним ғамхўрлик қилмоқда. Чунки у маърифат йўли эканлиги билан устувордир. Юртбошимиз айтганларидек, ***«... Бизда ташкил топган маориф ва фан тизими, гапнинг рости, бозор иқтисодига неча ўн йиллаб олдин ўтган мамлакатларда ҳам йўқ. Булар – бизнинг бахтимиз, бойлигимиз...»***

Мухтор ТЎРАБОЕВ,
Муроджон УМАРОВ,
Тошкент молия институти магистрантлари

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ҳавас қилгудек ҳамкорлик

Тарихда Германия билан Франциянинг ўз ўринлари бор. Бу давлатлар асрлар мобайнида Европанинг сиёсий-ижтимоий иқлимини белгилашда асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб келган. Бироқ улар ўртасидаги муносабатлар ҳеч қачон бир хил бўлмаган. Баъзан ўзаро низолар чиққан, ҳатто икки ўртада қонли тўқнашувлар юз берган, баъзан эса яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилиб, дўстлик ришталари боғланиб, ўзаро муносабатлар қардошлик ва яқин стратегик ҳамкорлик даражасига етган. Энг муҳими, кечирувчанлик французларга ҳам, немисларга ҳам хос хислат бўлган. Улар «қўшнидан ўпкалама», деган нақлга амал қилиб келишган.

Франция билан Германия ўртасидаги охирги қонли тўқнашув иккинчи жаҳон урушида юз берди. Ўшанда тез орада бу душман давлатлар яна дўстлашиб, французлар билан немислар ўртасидаги адоват кўтарилиб кетишига ҳеч ким ишонмаган эди. Бироқ шундай бўлди. Икки давлат, икки халқ ўртасидаги тарихий жараён яна такрорланди. Улар бир-бирларига қўл чўзиб, қучоқ очишди. Бунда давлат раҳбарлари ташаббускор бўлишди. Уруш кўрган таниқли ҳарбий ва сиёсий арбоблар тинчликнинг қадрига етиш учун бир-бирларини бағриларига босишди. Мен машҳур генерал Шарл де Голль билан таниқли сиёсатчи Конрад Аденауэрни назарда тутяпман. Улар бундан қирқ йил олдин Парижда учрашиб, бир-бирларини меҳр билан қучоқлаб бағирларига босишганида ва Елисей шартномасига имзо чекишганида бири Франция президенти сифатида француз халқининг, бири Германия канцлери сифатида немис халқининг истак-хоҳишини ифодалаган эди.

Агар айрим давлатлар тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, Рузвельт АҚШ учун ёки Черчил Англия учун қандай обрў ва аҳамиятга эга бўлган бўлса, Шарл де Голль Франция учун ва Конрад Аденауэр Германия учун шундай фахр-ифтихорга эга давлат арбоблари эканлигига амин бўламиз. Улар Европада урушдан кейинги даврни қайта қуриш ишига салмоқли улуш қўшдилар. Елисей шартномаси Франция билан Германиянинг яқинлашувига асос солган бўлса, Европада ўзаро ишонч муҳитини яратди.

Икки давлат ўртасидаги муносабатлар шундан кейин ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб борди. Олтмишинчи йиллар бошланган эзгу ишни кейинчалик Франция президенти Франсуа Миттеран билан Германия канцлери Гелмут Коль давом эттиришди. Улар яқин ҳамкорликнинг барча жабҳаларида ўзаро ёрдам, ишонч, маслаҳатлашув механизмини ишга солдилар ва давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишнинг юксак намунасини кўрсатдилар.

Германия – Франция муносабатларининг бугунги аҳволи ҳар жиҳатдан ҳавас қилгудек даражада. Президент Жак Ширак билан канцлер Герхард Шрёдер ўртасидаги ҳар бир учрашув ва дўстона мулоқот икки давлат, икки халқнинг янада яқинлашувига хизмат қилмоқда.

Ширак билан Шрёдернинг ўзаро илтифотлари, самимиятлари, оға-инидек аҳилликлари, маслаҳатлашиб фикр баён қилишлари, дунё сиёсатининг долзарб муаммоларига ёндошишда чуқур мулоҳаза ва донолик билан йўл тутишлари ҳар қандай кишининг, аввало, сиёсатчилар ҳамда кузатувчиларнинг ҳавасини келтиради. Айниқса, Елисей шартномасининг қирқ йиллиги муносабати билан Парижда ҳамда Берлинда ўтказилган тантаналарда улар ўртасидаги самимият ва қадрдонлик меҳр-оқибатини кўрган ҳар қандай киши беихтиёр: «Қойил, дўстлик бўлса шундай бўлади-да!», деб юборади. Мен бу жараёнларни телеэкран орқали кузатдим ва Жак Ширак билан Герхард Шрёдер ташаббуслари билан Европада янги геосиёсий майдон юзага келаётир деган хулосага келдим. Бу майдон келгусида шундай куч-қудратга эга бўладики, натижада Европа ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз сиёсатини ўзи белгилайди. Унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва аҳамияти яна ҳам ошади. Маълумки, Франция БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси сифатида самарали ва эътиборли фаолият кўрсатяпти. Германия ҳам ўзининг оқилона сиёсати билан шундай юксак шарафга муносиб. Ўзбекистон бу борада БМТга ўз таклифини баён қилган. У дунё муаммоларини ҳал қилишда иштирок этишга арзийдиган давлат.

Умуман, Франция билан Германия ўртасидаги муносабатларнинг ўрганадиган, ибрат оладиган, хулоса чиқарадиган ва ҳавас қиладиган жиҳатлари кўп.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Партия ташкилотлари фаолиятидан

Ўзбекистон ХДП Қамаши туман кенгаши *ташаббуси билан Олий Мажлис депутатлари – ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов ҳамда туман марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғафуровларнинг тумандаги иқтисодиёт ва педагогика коллежи талаба ва ўқитувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбатда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги Конституциявий қонунлар, шунингдек, Олий Мажлиснинг X сессиясида қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг аҳамиятини ёшларга тушунтиришга қаратилди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Х.Каримов ва туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.Бердиевлар қатнашдилар.*

Қашқадарё вилоят партия кенгаши, *ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг тавсиясига мувофиқ, жойларда ҳудудий партия гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш масаласига эътиборни кучайтирмоқда. Шу мақсадда, маҳаллий партия ташкилотларига услубий ашёлар юборилмоқда.*

ХДП Жондор туман кенгашида *бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партиядан сайланган туман Кенгаши депутатлари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Қ. Пўлатов йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси X сессияси якунлари ҳамда «Обод маҳалла йили»да партия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида сўзлаб берди.*

Чортоқ туман партия кенгаши *томонидан кейинги пайтларда ўтказилаётган тадбирлар ҳам ана шу мавзуда бўлмоқда. Мавжуд ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотлари котибларининг сиёсий ўқувларида ҳам Олий Мажлис сессияси материаллари асосий ўрин эгалламоқда.*

Норин туман партия кенгаши *«Сиз қонунни биласизми?» мавзуидаги мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган аньанавий кўрик-танловга бош ҳомий бўлди. Туман прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигидаги мазкур танловда иштирок этаётган ёшлар қонунларимизни ўрганиш борасидаги билимларини намойиш этдилар.*

Андижон туман партия кенгаши *ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, туман маданият бўлими ҳамкорлигида аскарлар ҳузурида ўтказилган тадбирда «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этиб, осуда ҳаётимиз посбонлари билан учрашдилар.*

Шу куни уларга тўкин дастурхон ёзилиб, катта концерт дастури намойиш этилди, хизмат бурчини намунали бажараётган аскарларга эсдалик совғалари топширилди.

Юнусобод туман партия кенгаши *радиотехника касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида «Ёшлар гиёҳвандликка қарши» мавзуидаги учрашувни ташкил этди. Унда «Маънавият ва маърифат маркази» шаҳар бўлими ходими А.Амриев маъруза қилди, 26-поликлиника шифокори С.Курмишева гиёҳвандликнинг оқибатлари ва профилактика усуллари ҳақида иштирокчиларга гапириб берди.*

ХДП Андижон, Наманган шаҳар ва Кўрғонтепа туман кенгашлари *жойларда аҳолининг сиёсий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказдилар.*

«Обод маҳалла йили»да

Ўзбекистон ХДП Чуст туман кенгашининг *«Обод маҳалла йили» муносабати билан ўтказаётган тадбирларининг навбатдагиси Пансада ва Садача маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирокида бўлди. Давра суҳбатида Олий Мажлиснинг кейинги сессиялари ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда тўй ва бошқа маросимларни ортиқча дабдабаларсиз, ихчам ўтказиш масалалари хусусида мулоҳазалар юритилди.*

Қорақўл туман партия кенгаши *уюштирган давра суҳбати эса Човли қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилди. Унда сўзга чиққан кенгаш биринчи котиби Ф. Бебутов тўпланганларга «Обод маҳалла йили»да қилинадиган ишлар ҳақида сўзлади ҳамда терроризмнинг аянчли оқибатлари, «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиорининг аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтди. Муҳокамада иштирок этган йиғин раиси И.Субҳонқулов, Э. Раҳимбердиев номидаги ширкат хўжалиги раиси А.Чориев ва бошқалар маҳаллаларни ободонлаштириш ҳақида фикр юритиб, партия туман кенгашининг ҳар бир қишлоқда ҳашар йўли билан спорт майдончаси қуриш ҳақидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар.*

«Обод маҳалла йили» доирасида ***Акмал Икромов туман партия кенгаши*** *А.Тожиев номли маҳаллада тадбир ўтказди. Унда туман партия кенгаши котиби А.Ҳожимуҳамедов «Парламент ислоҳоти шароитида сиёсий партияларнинг ўрни», маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Ибрагимов «Фуқаролар фаоллигини оширишда маҳалланинг роли» мавзуларида маъруза қилдилар.*

Ўз билимларини мустаҳкамлайди

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида вилоятдаги ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг бир ҳафталик ўқуви бошланди.

Улар шу давр мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни ривожлантириш, замонавий технологияларни, тупроқ унумдорлигини ошириш, серҳосил навларни танлаш, шу билан бирга қишлоқ инфратузилмасини жадаллаштириш бўйича малакаларини оширадилар.

Машғулотларда олимлар ва мутахассисларнинг маърузаларидан ташқари ўзаро баҳс ва мунозаралар ҳам бўлиб ўтади.

Ўқув машғулотларининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Ғани СОДИҚОВ

Рад этди

Шимолий Кореядаги ядро муаммосини янги «Беш+беш» тартибида, яъни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси плюс Шимолий ва Жанубий Корея, Япония, Австралия ҳамда Европа Иттифоқи иштирокида муҳокама этиш масаласини Пхеньян расмий рад этди. «Биз Корея ярим оролида ядро масаласини байналмилаллаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишга қаршимиз. Шу муносабат билан қандай кўринишда бўлмасин «кўптомонлама музокаралар»да қатнашмаймиз» дейилади КХДР Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида.

Бу ҳақда «Интерфакс» агентлиги хабар тарқатди.

Reuters агентлиги берган хабарга кўра эса Жанубий Корея Президентининг вакили Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ир билан учрашиб, ядро муаммоси бўйича музокаралар олиб бориш учун Пхеньянга борган. Аммо элчи жаноблари Лим Донг Вон Ким Чен Ир билан учрашолмади. Негаки, Шимолий Корея етакчиси учрашувга келмади. Натижада элчи Жанубий Кореяга қайтишга мажбур бўлди.

Шимолий Корея етакчисининг учрашувга келмаганлиги сабаби ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

Лим Донг Вон КХДР раҳбарига Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжуннинг мактубини топшириши лозим эди.

Сайлов натижалари

28 январь куни Исроилда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Кнессетдан энг кўп ўринни мамлакат бош вазири Ариэл Шарон бошчилигидаги ҳукмрон «Ликуд» партияси эгаллади. Jarusalem Post газетасида берилган маълумотда баён этилишича, «Ликуд» 37 ўринни қўлга киритган.

Амрам Мицна раҳбарлигидаги «Авода» меҳнат партияси эса 19, «Шинуй» партияси – 15, ШАС партияси – 11, «Миллий бирлик» – 7, шунингдек, МЕРЕЦ сўл партияси ҳам – 7, МАФДАЛ миллий-диний партияси – 5, Тор ва Шаббат бирлашган яҳудийлари партияси ҳам – 5, «АмЭҳад» партияси – 3, «Исраэл баАлия» партияси эса 2 ўринга эга бўлдилар. Шунингдек, ХАДАШТААЛ, БАЛАД ва РААМ араб партияларига ҳам Кнессетдан ўрин берилган. Улар ҳаммаси бўлиб 9 та мандатни қўлга киритишган.

Марказий сайлов комиссиясининг олдида яна бир вазифа турибди, яъни мамлакатдан ташқаридаги ҳарбийлар ва дипломатларнинг ҳам овозларини ҳисоблаб чиқишлари лозим. Бу иш бугунга мўлжалланган.

4 февраль куни сайлов комиссияси Кнессет ўн олтинчи чақириғининг 120 депутати рўйхатини тасдиқлайди ва шу куни мамлакат Президенти Моше Кацав бош вазирга ўз ҳукуматини тузиш вазифасини юклайди.

«Гаарец» газетасида ёзишларича, Ариэл Шарон коалицион ҳукумат тузишни кўзлаб турибди.

Яна шуни айтиш лозимки, Амрам Мицна бошчилигидаги «Авода» сўл-социал партияси вакиллари янги ҳукумат таркибига киришни хоҳламаяпти.

ВЕНЕЦИЯ. МАРКО ПОЛО ШАҲРИ

2007 йили аъзо бўлиши мумкин

Хорватия ҳам 2007 йили Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирувчи давлатлар қаторидан ўрин олиши мумкин, деган фикрни Греция ташқи ишлар вазири, Европа Иттифоқига раислик қилувчи Георгий Папандреу жамоатчиликка эълон қилди. Унинг айтишича, Хорватиянинг ЕИга қачон аъзо бўлиб киришини аниқ айтиш қийин, лекин бу уларнинг ўзларига боғлиқ.

Reuters тарқатган маълумотларга кўра, Хорватия шу йил февралда ЕИга аъзо бўлиш учун ариза беришни режалаб турибди. Ва бу билан Руминия ҳамда Болгариядан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Хозир Руминия ва Болгария ЕИ билан музокараларни бошлаб юборган.

Учувчиси йўқ, бироқ...

Япония Мудофаа вазирлиги учувчисиз бошқариладиган разведкачи самолёт яратиш режасини эълон қилди, дея хабар беради Японияннинг Tokyo Shimbun газетаси. Самолёт камера ва инфрақизил нурлар узатувчи қурилма билан жиҳозланади. Унинг афзаллиги шундаки, у 20 километр баландликдан ҳам зарур объектларни бемалол кузата олади. Бундай разведкачи самолётни ишлаб чиқариш учун 1,9 миллиард иен (15,8 миллион доллар атрофида) керак бўлади.

«Ушбу самолёт мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилмоқда. Унга Корея ярим оролидаги ҳарбий объектларни кузатиш вазифаси юклатилади» деди Япония Мудофаа вазирлиги вакили.

Метро янада қаттиқроқ қўриқланади

Москва метрополитенининг ички ишлар бошқармаси вакили берган хабарга кўра, пойтахт метросининг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча кинологлар гуруҳи жалб этилади. Вакилнинг айтишича, шаҳар мэрияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи раҳбарияти вазият тақозосига кўра, «Москва метрополитенини қўриқлашни кучайтириш лозим», деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам яқин кунларда метрополитен ички ишлар бошқармасида махсус кинологлар марказини ташкил этиш режалаштирилган. Марказ Останкино ҳудудида ташкил этилади. У ерда портловчи ва гиёҳвандлик моддалари топишга ўргатилган итлар яшаши учун 40 та махсус иншоот қурилади.

Бундан ташқари, дейилади «Новости» агентлиги хабарида, метрони қўриқлаш хизматига жалб этиладиган милиция ҳам «патрул ва жанговар-тезкор ходимлар» ҳисобига кўпайтирилади.

Оролбўйи аҳолиси учун

Ичимлик сув, томорқаларни ва бошқа хўжалик эҳтиёжлари учун сув тортадиган умумий қиймати 35,8 минг АҚШ долларига тенг бўлган 30 та насос «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси томонидан пойтахтнинг Шимолий вокзалидан «Саломатлик» поездида Тошкент – Нукус йўналишида жўнатилди. Улар Оролбўйи аҳолиси учун мўлжалланган. Насосларнинг эгаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги инсонпарварлик ёрдамини тақсимлаш бўйича комиссия белгилайди.

Тадбир жамғарманинг Обод маҳалла йилига бағишланган «Экосан» – маҳаллада» мақсадли дастури доирасида ўтказилди. Ушбу дастур экологик нохуш ҳудудлар аҳолисига беғараз ёрдам кўрсатиш, қишлоқда санитария-гигиена шароитларини яхшилашга қаратилган.

Жўнатишдан олдин ускуналар «Ўзкоммунхизмат» агентлигида ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг насос станциялари бошқармасида синовдан ўтди. Улар бир минутда 20 куб метр сувни 9 метр баландликка чиқариб беради. Ускуналарни ишлатиш сув таъминотини ҳамда Оролбўйининг 15 та туманидаги суғориш тизимларига сув етказишни яхшилаш имконини беради.

Бу Эрон Ислом Республикаси ҳукумати номидан Оролбўйи минтақаси учун «Экосан» жамғармасига берилган сув насосларининг биринчи тўпламидир. Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ етказиб берилган ускуналарнинг умумий қиймати 150 минг АҚШ долларини ташкил этади.

ЎзА

ЗАКОВАТ ТИМСОЛЛАРИ

Буюк сиймолар

Ўзбек давлатчилиги, илм-фани, адабиёт ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк боболаримиз номлари асрлар давомида эзгулик элчилари каби мангу яшаб келмоқда.

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, ўзлигимизни англаш йўлида қўйган қадамимиз бизни қадим ўтмишнинг маънавият чашмаларига қанчалик яқинлаштирган бўлса, буюк келажак пойдеворини шунчалар юксалтирмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Биз мозий ҳақиқатларини юзага чиқариб, қадим илдизларимизни излаб топиб, миллат шаънини, юрт довруғини жаҳон узра таратмоғимиз зарур. Буни эса кўксида, қалбида ватан туйғуси бор элсевар инсонларгина англаб етадилар.

Барҳаёт, мумтоз сиймоларнинг дунё маданиятида тутган ўрни қай даражада? Уни бугунги ёш авлодга англатиш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бугун ва ўтмиш уйғунлиги истиқлол умидлари бўлган фарзандларимизга нималар воситасида англатилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тайёрланган плакатлар бу йўлдаги муҳим уринишлардан биридир.

Жаҳон жамоатчилигига номлари таниш, бизнинг шон-шавкатимиз, ғуруримиз, фахримиз бўлган буюк боболар сиймоси акс эттирилган суратлар... Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини Христофор Колумбдан 500 йил олдин башорат этган Абу Райҳон Беруний, ўз замонаси билимларини ҳамда 70 дан ортиқ тилни мукаммал билган. «Шарқ Арастуси» Абу Наср Форобий, тиббиёт фанининг асосчиси Абу Али ибн Сино, алгебрани кашф этган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, «Астраномия асослари» номли шоҳ асар муаллифи Аҳмад ал-Фарғоний, ислом динида қуръондан кейин эъзозланадиган ҳадислар тўплами — «ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» асарини битган Имом ал-Бухорий, тарихимиздаги улуғ сиймо жаҳонгир Амир Темур, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек, шеърият султони Алишер Навоий, Шарқ Уйғониш даври маданиятига улкан ҳисса қўшган, миниатюра мактаби асосчиси Камолиддин Беҳзод каби ўн нафар буюк аждодларимиз акс этган бу плакатларнинг яратилиши маънавий оламимиздаги улкан воқеадир.

Ҳар бир плакат чексизлик нуқтаи назаридан олинган, ўтмиш ва бугун тўлақонли акс эттирилган. XXI асрнинг баркамол авлоди баҳраманд бўлиши, кимларнинг вориси эканлигини англаши учун ҳам ушбу плакат муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир плакатга улуғларимиз ҳақида Юртбошимиз айтган сўзлар муҳрланган.

Ўтмиш ва келажак уйғунлигидан ҳосил бўлган нур, ёруғ кўнгилларга йўл топишига ишонамиз.

Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

МУРУВВАТ

Замондошларимиз эзгулик манзиллари томон дадил одимламоқдалар. Давримиз қаҳрамонлари етишиб чиқмоқда. Уларнинг бунёдкорликлари эл дастурхонини тўкин, турмушини фаровон этиш йўлида чекаётган заҳматлари ёш авлодга ўрнак бўла олади. Ушбу шеърий сатрларда мана шундай инсонлардан бири ҳақида ҳикоя қилинади.

(«Муборак» қоракўл наслчилик ширкат хўжалиги раҳбари Ҳайитмурод Оқмаматовга бағишлайман.)

Ўлкам узра эсди бу кун ҳурлик шамоли,
Моҳияти йилларга тенг лаҳза, онларнинг.
Қувонтирар фарзандларнинг басти, камоли,
Кенгаймоқда сафи яна қаҳрамонларнинг.

Юртимнинг мард ўғлонлари юраги чўғли,
Кўзга суртар аждодлари қолдирган изни.
Зукко раҳбар Ҳайит ака Оқмамат ўғли,
Имкон топиб бир зумгина йўқладим Сизни.

✧✧✧

Ким-ки қўйса чин юракдан халқига ихлос,
Олам аро таратгайдир нурни, зиёни.
Элу юртнинг бўй-бастини белгилаши рост,
Зафар қучган ўғил-қизнинг шуҳрати-шони.

Олислардан келадирсиз нурли йўл босиб
Йўлингизга ғов бўлолмас бирорта ғаним.
Назаркарда ўғлондирсиз элга муносиб,
Сифатингиз мадҳ этгани ожиз қаламим.

Жасурдирсиз курашларда кўкрагин керган,
Жавлон урган ғолибларга, мардларга пирсиз.
Бепоён қир, яйловларга меҳрини берган,
Оддийгина бир чўпоннинг фарзандидирсиз.

✧✧✧

Кўплар бундан кўчиб кетди турли томонга,
Ҳатто киндик қони томган гўшадан кечиб.
Ҳеч тўймасдан термуласиз ҳадсиз осмонга,
Сизга азиз эрур даштнинг ҳар бир қаричи.

Ютуқлардан қувонасиз дилдан, юракдан,
Чўпон-чўлиқ билан доим ҳамдард, ҳамкорсиз.
Ҳеч замонда бахт ёғилмас кўкдан, юксакдан,
Ҳар бир лаҳза курашларнинг сафида борсиз.

Ҳақиқатнинг кўзларига қаролгайсиз тик,
Ваъдаларнинг ижролари қатъий, мустаҳкам.
Давраларда, кези келса, худди боладек,
Завқ оласиз, эшдир Сизга соддаликлар ҳам.

✧✧✧

Боргандингиз бир кун оқшом олис отарга,
Ҳолдан тойган, кўп безовта эди чўпонлар.
Тўрт она қўй қулаганди ногаҳон жарга,
Иш бермади қутқармоққа барча имконлар.

Таскин учун сўз тополмай ноилож, ночор,
Ушбу онда эгилган ҳам бошни кўрганман.
Чеккан эди дил куйиниб жонингиз озор,
Кўзингизда милтиллаган ёшни кўрганман.

Яхши-ёмон кунлар тушар инсон ёдига
Кўп савдолар бошингиздан ўтганлиги чин.
Кам топилар содиқ қолган эътиқодига
Юрт бойлигин ҳар нарсадан қўйгансиз устун.

✧✧✧

Ёзда қуёш олов пуркар кўкдан беаёв,
Дил тебранар чўпон чалган нафис куйлардан.
Кўз илғамас бийдай чўлни кезганда яёв,
Энтикасиз ширин хаёл, эзгу ўйлардан.

Бу дунёда мурувватни юксак билгувчи,
Ҳар бир лаҳза тегадирган эл-юртга нафи.
Эзгу ишни ҳар дақиқа, ҳар он қилгувчи,
Ватанимда Сиздайларнинг кенгайсин сафи!

То бор экан фидойилар битгай эл ками,
Эртанги кун бўлгай яна ойдин, нурафшон.
Собит бўлгай ҳар бир иши, босган қадами,
Жаҳонга юз тутар яшнаб ҳур Ўзбекистон.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

15855 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Фавқулодда вазиятлар ва журналистика

Республикамизда фавқулодда вазиятлар ва қуролли можароларни ёритишга ихтисослашган журналистлар деярли йўқ ҳисоби. Журналистларнинг бу борадаги билимларини ошириш мақсадида республика Миллий матбуот марказида «Адвокат» журнали таҳририяти, «Евразия» жамғармаси ва МММ ташкилотчилигида «Фавқулодда вазиятлар ва қуролли можароларни ёритиш, халқаро гуманитар ҳуқуқда журналистлар ҳимояси» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Унда «Адвокат» журнали таҳририяти, «Евразия» жамғармаси, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Халқаро Интерньюс ташкилоти, Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда марказий ва маҳаллий матбуот нашрлари вакиллари иштирок этдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

«Akateks Tekstil sanoat va tijorat» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси кредиторлари ДИҚҚАТИГА!

Қўшма корхона «Bektemir temir-beton mahsulotlari» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси таркибига бирлашмоқда. (Акциядорларнинг 2002 йил 30 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори)

Қўшма корхона кредиторлари ўз талабларини 195-98-19, 195-13-98, 132-15-45 телефон рақамлари орқали, ёки Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани Асака кўчаси 52-уйдаги корхона офисига билдиришлари мумкин.

Қўшма корхона кузатув кенгаши.

Кимошди савдосига айланди



Машҳур теннисчи Анна Курниковонинг спорт кийими ким ошди савдосида ашаддий мухлисларга завқ бағишлади. Унинг дастхати битилган спорт кийими 1,5 минг долларга пулланди. Умуман Австралия очиқ чемпионатида иштирок этиб, зафар қучган теннисчиларнинг мухлислари кўп эди. Хусусан, америкалик Андре Агассининг эсдалик буюмларию дастхатлари ҳам бир қанча минг АҚШ долларига сотилди. Аёллар ўртасида муваффақият қозонган Серена Уильямснинг спорт кийими эса 387 долларга пулланди.

Ананднинг навбатдаги ютуғи

Ҳиндистонлик моҳир гроссмейстер Вишванатан Ананд Вейк-ан-Зееда ўтказилган анъанавий халқаро турнирда ғалаба қозонди. У 13 партияни мағлубиятсиз ўтказиб, 8,5 очко тўплади. Таниқли шахматчи Юдит Полгар иккинчи совринли ўринни эгаллаб, ғолибдан ярим очкога ортда қолди. Учинчи ўрин ўтган йилги ғолиб Евгений Бареевга насиб этди.

Жамоа қарзга ботганда

АҚШнинг «Клинк» хоккей жамоаси инқирозга юз тутди. Албатта, бундай нохушликда Баффало шаҳар мухлисларининг айби йўқ. Ҳамма гап жамоанинг собиқ сардори Джон Ригаснинг фаолияти билан боғлиқ. Ҳозир «Адельфия» хоккейчиларига бошчилик қилаётган бу мураббий «Клинк»га тегишли сармояни сарфлашда ўзига хос рекорд қўйиб, қарз-қурзларни миллиард доллардан ошириб юборди. Қизиғи шундаки, бу сармоялар НХЛ хоккей юлдузларини излашга сарфланмаган. Ригас ҳозир қамоқда бўлгани билан «Клинк» хоккейчилари бундан манфаат кўраётгани йўқ.

МУЛОҲАЗА

Компьютер ўйинлари чекланади...ми?

Европа Иттифоқига аъзо давлатларда шу йил апрелдан бошлаб компьютер ўйинлари бўйича чекловлар эълон қилинади. Бу чекловлар болалар нигоҳини беҳаё тасвирлардан, ёвузлик кучларининг намойишидан сақлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Шу мавзуни ўрганиш учун шаҳримиздаги бир неча компьютер ўйинлари «марказ»лари фаолиятини кузатдик. Хона дим бўлишига қарамай мактаб ўқувчилари ва катталар ҳам навбат кутиб туришибди. Олтита телевизор ва «Play statoin» аппарати 14 соат тинимсиз ишлайди. Дисклардан энг кўп ўйналадигани «КИЕСК», «MORTAL COMBAT», «Medial of HONOR», «TEKKEN» каби ўнлаб жанговар ўйинлар бўлса, кейинги ўринларда пойга ва спорт ўйинлари тураркан. Эътиборли жойи шундаки, пойга ва спорт ўйинларини нисбатан катта ёшлилар, жанговар дискларни эса кўпроқ болалар ўйнашяпти. Мактаб ўқувчиси 200 сўмга битта китоб олиб ўқимайди-ю, унинг икки баробар нархига соатлаб компьютер ўйинлари билан банд бўлади. Фойда-зиёнини ўзингиз солиштириб олаверинг.

Абитуриентлигимда шу ўйинга қизиқиб қолгандим. Оқибати... Уч йил ўқишдан йиқилдим. Аммо компьютер ўйнашдан тийилолмаяпман, — дейди бухоролик Фарҳод исмли йигит.

«Менинг ўғлим мактабда тушлик учун берилган пулни шу ўйин учун сарфлар экан. Оқибатда ошқозонида яра пайдо бўлибди», — дейди тошкентлик бир аёл.

Бу гапларда жон бор. Компьютер ўйинларига ўрганиб қолган боланинг ундан воз кечиши қийин. Чет эл олимларининг болалар ўқишдан чарчаганда дам олиши учун яратган кашфиёти ўқувчиларимизни баъзан ўқишдан бутунлай чалғитиб қўяяпти. Бугун болаларни кутубхонадан кўра, компьютер ўйинлари «марказ»ларида кўпроқ учратасиз.

Телевидениеда беҳаё тасвирларни намойиш этишдан қочамиз. Лекин арзимас пулга буни компьютерда бемалол томоша қилиш мумкин.

Буюк Британия оммавий ахборот воситаларида эса ёвузлик кучлари намойиш этиладиган ҳар қандай компьютер ўйинларини тақиқлаш борасида бир қанча чиқишлар қилинди. Эндиликда тақиқланган компьютер ўйинлари савдоси билан шуғулланганларга катта миқдорда жарима солинаркан ёки улар қамоқ жазосига маҳкум этиларкан.

Ғарб кишилари шундай қарорга келганда биз ҳам бу ўйинларни қисман бўлса-да чеклашимиз керак эмасмикан? Болаларимиз кўнгилочар ўйинларга эмас илму ҳунарга кўпроқ меҳр қўйсин.

Анвар САМАДОВ

АНЖУМАН

Экологик сертификат — ҳаёт талаби

«Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида «Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш Бош бошқармаси тизимининг йўналиш ва вазифалари» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган хавфли маҳсулот ва чиқиндилар, кучли таъсир этувчи заҳарли ва заҳарлилик эҳтимоли бўлган моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ташқарига чиқариш ва унинг ҳудуди орқали олиб ўтишни тартибга солиш, экологик сертификатлаштириш тизими орқали Ватанимиз иқтисодиётини жаҳон бозорига уйғунлаштиришни таъминлаш учун Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзстандарт агентлигида рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар эндиликда экологик сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий базасини яратишга имкон берди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги «Стандартлаштириш, метрология, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши барча вазирлик ва ташкилотлар сингари, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда экологик сертификатлаштириш тизими олдига ҳам катта вазифалар қўйди. Қарорда асосий эътибор — стандартлаштириш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш ҳамда метрология тизимларининг халқаро меъёр ва талабларга монандлигини таъминлаш, халқаро стандартларни кенг тадбиқ этиш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган. Кўзда тутилган вазифаларни мукаммал бажариш мақсадида қўмитанинг ҳайъат мажлиси қарори билан Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш Бош бошқармаси ташкил этилди.

Бош бошқарманинг вазифалари республикамизда экологик сертификатлаштириш ва меъёрлаштиришнинг ягона сиёсатини олиб бориш, миллий ва халқаро экологик стандартлар бўйича маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, экологик хавфли маҳсулот ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва уларни республика ҳудудидан олиб чиқиш ҳамда транзит қилишда экологик хавфсизликни таъминлаш каби қатор масалаларни қамраб олади.

Корхоналарда технологик жараёнларнинг амалга оширилишида экологик хавфсизликка интилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида уларнинг техник шартларида ёки стандартларида белгиланган экологик талабларга риоя этилишини таъминлаш ишлари ҳам Бош бошқарма зиммасида бўлади. Маҳсулотларни экологик талаб асосида сертификатлаштиришда уларнинг ўз хусусиятлари (меъёр кўрсатгичлари)га мослигини аниқлаш ишларини синов лабораторияларининг берган маълумотлари асосида амалга ошириш ҳамда республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид жаҳон андозаларига мос меъёрларни ишлаб чиқишни йўлга қўйиш юмушлари ҳам бошқарма диққат марказида бўлади.

Булардан кутилган мақсад — экологик стандартларни Миллий стандартлаштириш тизими орқали халқаро стандартларга уйғунлаштириб бориш, атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни ҳисобга олишнинг услубий йўриқларини юритиш, экологик меъёрлаштиришга оид меъёрий ва услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини янада такомиллаштириш ҳамда уларга жойларда риоя этилишини назорат қилиш ишларини амалга оширишдан иборат.

Гавҳар САМАДОВА

Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси жамоаси студиянинг катта муҳаррири Чоршаъм Рўзиевга падари бузруквор

Йўлдош ота РЎЗИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.